

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил октябрь ойининг 22 куни, жиноят ишлари бўйича (ЖИБ) Янгиқўрғон туман судининг очик сайёр суд мажлиси Янгиқўрғон туманидаги “Наъмуна” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)га қарашли бинода бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Н.Умаров, судья ёрдамчиси Н.Парпиевнинг котибалигида, тарафлардан: давлат айбловчиси туман прокурори ёрдамчиси М.Акбаралиев, судланувчи Ф.Жнинг иштирокларида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК)нинг 186¹-моддаси 2-қисми “б” банди билан Ж.Ф.Ини айблашга оид 1-1612-1901/50-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Ж.Ф.И, [REDACTED] да Янгиқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали икки нафар фарзанди бор, ишламайди, судланмаган, Янгиқўрғон тумани [REDACTED] яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 9 октябрь куни олган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара, судланувчининг музокара ва охирги сўзини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни муҳокама қилиб, баҳолаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ф.Ж терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ҳаракатлари давомида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган Қирғизистон Республикаси яшовчи “Олмос” исмли шахс ва Наманган шаҳрида яшовчи номаълум шахс билан олдиндан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2019 йил 14 июль куни бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли “ [REDACTED] ” давлат рақам белгили автомашинасини Янгиқўрғон тумани Намуна МФЙ ҳудудига бошқариб бориб, у ердан “ [REDACTED] ” исмли шахс томонидан олиб келинган, хорижда ишлаб чиқарилган, ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган жами 6.174.450 сўмлик 420 дона 0,45 литрли “Балтика-9”, 94 дона 0,45 литрли “Балтика-7”, 110 дона 0,45 литрли “Балтика-0” ва 118 дона 0,45 литрли “Жигулёвское” номли пиво маҳсулотларини “Олмос” исмли шахснинг буюртмасига ва у билан 250.00 сўм пул эвазига келишиб автомашинасига юклаб, Наманган шаҳрида яшовчи номаълум шахсга олиб бориб бериш мақсадида Маданият МФЙ ҳудудида ҳаракатланиб кетаётган вақтида шу ерда хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчилар томонидан ушланган, алкоголь маҳсулотлар жиноят ишида ашёвий далил сифатида эътироф этилган.

Ф.Ж судда айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2019 йил 14 июль куни Қирғизистон Республикасида яшовчи “ [REDACTED] ” исмли таниши қўл телефонига кўнғироқ қилиб, “Қирғизистондан Ўзбекистонга пиво маҳсулотлари олиб ўтиб бераман, сен ушбу пиволарни Наманган шаҳрига олиб бориб берасан, у ерда танишим кутиб олади, эвазига 250.000 сўм пул

бераман”,-деб айтганлигини, онасини даволатиш учун пул зарур бўлганлигини сабабли унинг таклифига рози бўлиб, шу куни тахминан 21:00 ларда бошқарувидаги “Ласетти” русумли “██████████” давлат рақам белгили автомашинасига Намуна маҳалласининг дала майдонидан жами 742 дона пиво маҳсулотини юклаб, Наманган шаҳрига қараб йўлга тушганлигини, эски Заркент блок постига етиб борганида ҳарбий хизматчилар томонидан ушланганлигини баён қилиб, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Ф.Жнинг айби ўзининг тўла иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўралган қуйидаги:

гувоҳ ██████████ куёвини иши бўйича сўроқ қилинишига розилик билдириб, қизи ██████████ни Ф.Жга турмушга берганлигини, улар тирикчиликка қийналиб қолмасин деб номида бўлган “Ласетти” русумли “██████████” давлат рақам белгили автомашинасини ишончнома орқали куёви Ф.Жга берганлигини, 2019 йил 14 июль куни куёви автомашинада пива маҳсулотларини ташиётган вақтида ҳарбий хизматчилар томонидан ушланганлигини билганлигини, уни авваллари бундай иш билан шуғулланганлигини билмаганлигини, автомашинасини ўзига қайтариш ҳақидаги кўрсатувлари;

гувоҳ ██████████нинг Наъмуна МФЙ да котиб вазифасида ишлашлигини, судланувчи Ф.Ж уни маҳаллада истиқомат қилишлигини, уни оилавий шароити оғир бўлиб, акаси юрак хуружи билан касалланганлигини, турмуш ўртоғи ██████████ ҳам оғир касал, фарзандини сунъий озиклантириб келишини, маҳалла раисини ҳам бундан хабардор ҳозирги кунда пахта теримида бўлганлиги сабабли судга келолмаганлигини, МФЙ ва маҳалла фаоллари Ф.Жни ўз қафолатларига олиб келгусида уни бундай ишларга қўл урмаслиги кафиллик беришларини билдириб, қонуний енгиллик сўраган кўрсатувлари;

шунингдек, дастлабки терговда тўпланган ва судда тафтиш қилиб ўқиб эшиттирилган қуйидаги:

-жиноят ишининг 6-7, 19-21-варақларидаги автотранспорт ҳамда ашёвий далилларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомалари ва унинг фото иловалари;

-26-28-варақларидаги воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, унинг фото иловалари;

-50-варағидаги 420 дона 0,45 литрли “Балтика-9”, 94 дона 0,45 литрли “Балтика-7”, 110 дона 0,45 литрли “Балтика-0” ва 118 дона 0,45 литрли “Жигулёвское” номли пиво маҳсулотлари истеъмол учун яроксизлиги кўрсатилган 2019 йил 8 августдаги 12/1292-сонли Наманган вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг хулосаси;

-33-47-варақларидаги 4 турдаги жами 742 дона бўлган пиво маҳсулотларини 6.174.450 сўмга баҳолангани ҳақидаги 2019 йил 1 августдаги 08/485-сонли баҳолаш хулосаси;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ж.Ф.И Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186¹-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ж.Ф.Ига ЖКнинг 186¹-моддаси 2-қисми “б” банди билан 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ж.Ф.Ига нисбатан тайинланган жазони ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли деб топиб, 2 (икки) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати даврида унга қуйидагича:

-хар ойнинг 20 санасида Янгиқўрғон тумани Ички ишлар бўлими (ИИБ)дан рўйхатдан ўтиш;

-иш ёки яшаш жойи ўзгарса ИИБга хабар қилиш мажбуриятлари юклатилсин.

Синов муддати даврида унинг хулқи устидан назорат олиб бориш Янгиқўрғон туман ИИБга юклатилсин.

Ф.Жга синов муддати давомида юкланган мажбуриятларни бажармаса, хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдимномасига асосан жазонинг шартлилиги бекор қилиниб, ҳукмда кўрсатилган жазони ижро этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ф.Жга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиниб, гаров тариқасида қўйилган бир бош от гаров қуёвчининг ўзида сақланаётгани сабабли бандликдан чиқарилсин.

Ашёвий далиллар:

6.174.450 сўмлик, 420 дона 0,45 литрли “Балтика-9”, 94 дона 0,45 литрли “Балтика-7”, 110 дона 0,45 литрли “Балтика-0” ва 118 дона 0,45 литрли “Жигулёвское” номли пиво маҳсулотларини давлат фойдасига мусодара қилишни;

“Баркамол Бобур петрол” МЧЖга қарашли жарима майдонида сақланаётган “Ласетти” русумли “ ” давлат рақамли автомашинани қонуний эгасига М.Хусаиновага қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Н. Умаров

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон
туман судининг раиси

Н. Умаров